O`zbekiston Respublikasi
"ELEKTRQISHLOQQURILISH"
Aksiyadorlik Jamiyati

Республика Узбекистан
Акционерное Общество
"ELEKTRQISHLOQQURILISH"

Pochta indeksi: 100187, Manzil: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak yoli ko'chasi, 274-uy, Telefon: (+99871) 208-92-65, Fax: (+99871) 208-92-50, E-mail: eqq-2014@mail.ru, Web: ajeqq.uz, Bank: Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek SQB, H/r: 2021 0000 2001 2498 5001, MFO: 00399, STIR: 200 523 561, IFUT:70220

№ 1-1/242

«20» Июнь 2022 yil

**«Elektrqishloqqurilish» АЖ акциядорларига**
*(рўйхат бўйича)*

**«Elektrqishloqqurilish» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида**
**ХАБАРНОМА**

**Ҳурматли акциядор!**

«Elektrqishloqqurilish» АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 17 июндаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 16 июль куни, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 274 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносидаги мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан бошланиб соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2022 йил 12 июль** ҳолатига тузилади.

**Кун тартиби:**

1. *Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.*
2. *Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.*
3. *Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.*
4. *Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.*
5. *Жамиятнинг 2021 йил молия – хўжалик якунлари ва бизнес – режа бажарилиши юзасидан Бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*
6. *Жамиятнинг 2021 йил якунлари йиллик ҳисоботини, шу жумладан, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар ва бошқа ҳисоботларини тасдиқлаш.*
7. *Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.*
8. *Жамиятнинг устави ва ички корпоратив низомларини янги таҳрирда тасдиқлаш.*
9. *Жамиятнинг тафтиш комиссиясини тугатиш.*
10. *Жамиятнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.*
11. *Жамият ижро органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш).*
12. *Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.*
13. *Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.*
14. *Уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.*
15. *Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.*

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи хужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 274 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар иш кунлари соат 11:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: eqq-2014@mail.ru
Телефон: (+998 71) 208-92-54

**«Elektrqishloqqurilish» АЖ**
**Бошқарув раиси** **Э.Э.Зуленов**